

548 - وَعَنْ أَبِي بَشِيرٍ قَبِيصَةَ بْنِ الْمُخَارِقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَحَمَّلْتُ حَمَالَةً فَأَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْأَلُهُ فِيهَا، فَقَالَ: «أَقِمَّ حَتَّى تَأْتِينَا الصَّدَقَةُ فَتَأْمُرَ لَكَ بِهَا» ثُمَّ قَالَ: «يَا قَبِيصَةُ؛ إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لَا تَحِلُّ إِلَّا لِأَحَدٍ ثَلَاثَةَ: رَجُلٌ تَحْمَلُ حَمَالَةً؛ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَهَا ثُمَّ يُمْسِكُ، وَرَجُلٌ أَصَابَتْهُ جَائِحَةٌ اجْتَاخَتْ مَالَهُ؛ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَ قَوْمًا مِنْ عَيْشٍ - أَوْ قَالَ: سِدَادًا مِنْ عَيْشٍ - وَرَجُلٌ أَصَابَتْهُ فَاقَةٌ، حَتَّى يَقُولَ ثَلَاثَةَ مِنْ ذَوِي الْحِجَى مِنْ قَوْمِهِ: لَقَدْ أَصَابَتْ قَوْمًا فَاقَةٌ؛ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَ قَوْمًا مِنْ عَيْشٍ - أَوْ قَالَ: سِدَادًا مِنْ عَيْشٍ - فَمَا سِوَاهُنَّ مِنَ الْمَسْأَلَةِ يَا قَبِيصَةُ سُحْتٌ، يَأْكُلُهَا صَاحِبُهَا سُحْتًا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1044].

«الْحَمَالَةُ» بِفَتْحِ الْحَاءِ: أَنْ يَفْعَ قِتَالٌ وَنَحْوُهُ بَيْنَ فَرِيقَيْنِ، فَيُصْلِحُ إِنْسَانٌ بَيْنَهُمْ عَلَى مَالٍ يَتَحَمَّلُهُ وَيَلْتَزِمُهُ عَلَى نَفْسِهِ، وَ«الْجَائِحَةُ»: الْآفَةُ تُصِيبُ مَالَ الْإِنْسَانِ، وَ«الْقَوْمُ» بِكَسْرِ الْقَافِ وَفَتْحِهَا: هُوَ مَا يَقُومُ بِهِ أَمْرُ الْإِنْسَانِ مِنْ مَالٍ وَنَحْوِهِ وَ«السِّدَادُ» بِكَسْرِ السِّينِ: مَا يَسُدُّ حَاجَةَ الْمُعْوِزِ وَيَكْفِيهِ، وَ«الْفَاقَةُ»: الْفَقْرُ وَ«الْحِجَى»: الْعَقْلُ.

548. Абу Бишр Қабиса ибн Мухориқ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир тўлов мажбуриятини* зиммамга олдим. Кейин шу борада (ёрдам) сўраб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга келдим. У зот: «**Тура турчи, бизга садақа келиб қолса, ўшани сенга деб (беришни) буюрармиз**», дедилар. Сўнг шундай дедилар: «**Эй Қабиса, сўраш**

тиланиш уч кишигагина ҳалол бўлади:

Бирор тўлов мажбуриятини зиммасига олган киши. Ўшани қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол, кейин тийилади;

Молмулкини бирор офат йўқ қилган киши. Унга то яшашга яроқли нарсани [ёки «яшашга етарли нарсани»] қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол бўлади;

Қашшоқлик етиб, қавмидан учта аҳли дониш «Ҳақиқатан, фалончига қашшоқлик етди» дейдиган киши, унга ҳам то яшашга яроқли нарсани [ёки «яшашга етарли нарсани»] қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол бўлади.

Аммо бундан бошқасида, эй Қабиса, тиланчилик қилиш ҳаром. Унинг соҳиби ҳаромни еган бўлади», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: «Тўлов» деб ўгирилган сўз арабчада «ҳамаалатун» бўлиб, оддий тўловдан фарқ қилади. * Бу сўз дия, қарз ёки шу каби бошқа молиявий мажбуриятлар устида тортишиб турган икки тарафни яраштириш учун мажбурий тўловни зиммага олишни англатади.

Ушбу ривоят эгаси Қабиса ибн Мухориқ розияллоҳу анҳу ҳам шундоқ қилиб, зиммаларига пул юкини олганлар. Бу юкни адо этишда ёрдам сўраб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганлар. У зот закотга олинган моллардан келиб қолса ёрдам беришни ваъда қилганлар. Шу билан бирга, бунга ўхшаш закот олишга, ундан ёрдам сўраб келишга ҳақли яна икки тоифани ҳам айтиб берганлар.

Бирор офат етганлиги сабабли мол-мулки ҳалокатга учраган кишилар ҳам турмуш харажатларига яраша олсалар ҳалол экан. Турли сабабларга кўра қаттиқ фақирликка учраган киши ҳам, уни танийдиган уч киши гувоҳлик берса, закот маблағидан олса бўлар экан.

Жумҳур уламолар бу ҳадисни келтириш билан ҳожати йўқ одам закот олмаслиги керак, демоқчи бўладилар. Бу билан моли нисобга етмаса олса бўлаверади, деган ҳанафийларга қарши далил келтирадилар. Аслида эса, ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ.

Ҳанафийлар энг муҳтожлар биринчи навбатда ҳақли, дейдилар. Агар улар бўлмаса ёки улардан ортиб қолса, моли нисобга етмаганлар ҳам олса бўлади. Лекин бойлар олиши мумкин эмаслигига шубҳа йўқ.

2. Касб қилишга қодир, соғлом кишига ҳам закот молидан олиш тўғри келмайди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI